O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'zMTDP

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 2001 йил, 24 июл | 14-15 (248) - сон

Партия ҳаёти

НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

10 июл куни ЎзМТДП Марказий ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига бўшаб қолган ўринларга ЎзМТДП томонидан номзодлар кўрсатиш масаласи кўриб чиқилди. Мажлисни ЎзМТДП Марказий Кенгашининг раиси Иброҳим Ғафуров олиб борди ва сўзга чиқди. ЎзМТДПнинг Олий Мажлисдаги фракция аъзолари, шунингдек, номзодликка тавсия этилган кишилар иштирокида ўтказилган ушбу йиғилишда ҳайъат аъзоларининг бўлажак номзодлар ҳақидаги ва сайлов жараёнига доир фикр-мулоҳазалари тингланди.

Бўлиб ўтган муҳокамаларда йиғилиш қатнашчилари номзодликка тавсия этилган кишиларни янги жамиятимизнинг фаол аъзолари, халқ учун чинакам манфаатли ишлар қилаётган мард ва тадбирли инсонлар сифатида қўллаб-қувватладилар ва уларни бир овоздан тасдиқладилар. Ушбу муҳокамалардан сўнг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайлов ўтказувчи бир неча сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан номзодлар кўрсатишга қарор қилинди. Шунга кўра 220-Деҳқонобод, 139-Термиз, 236-Яккабоғ, 221-Қамаши сайлов округларида Холбобо Бозоров, Дилёра Баротова, Ўлмас Саиджонов, Бозор Чориев номзодлари кўрсатилди.

Йиғилишда ушбу номзодларни сайловчиларга яқиндан таништириш, уларни кенг тарғиб этишда партия фаоллари бирдай фаол иштирок этиши ҳақида фикрлашиб олинди.

2—бет

Савол: одам бировнинг қайси аъзоси билан юра олади?

Жавоб: тили

ЮКСАКЛАРГА ПОРЛА ЮРТИМ БАЙРОҒИ!

АБИТУРИЕНТМИ, АБИТУРИСТ?

Мана қарабсизки, кун ботиб, тонг отиб яна бир йил ортда қолди. Эсингизда бўлса, ўтган ёз ҳам «аягани» йўқ эди. Абитуриентлик ҳам қуёшнинг ҳарорати энг юқори чўққисига чиққан, авжи ёзги чилла вақтига тўғри келадида.

Бу эса, эндигина ота-она қучоғидан айрилиб, шаҳарнинг сершовқин ҳаётига кўниколмай юрган ёш йигит-қизларга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Куни кеча бир нечта абитуриентларни кузатиб туриб, хаёлимда шу билан боғлиқ воқеалар яна бир бор жонланди.

* * *

Абитуриентлик энг ҳаяжонли, бир умр эсда қоладиган давр, умр йўлидаги бир чорраҳа гўё. Шу боисдан бўлса керак, ана шу даврини эслаган киши бир дам хотиржам, бир дам шошиб, қувнаб, ё маъюс тортиб қолади.

Бир танишим бор. Гарчи у умрида бир маротабагина абитуриент бўлган, шу баҳонада азим Тошкентдай шаҳарни кўрган бўлса-да, унинг таассуротларини эшитган киши бу самимий ҳикояларни яна тинглагиси келаверади. Ҳар гал кўрганимда у

Ҳаёт чорраҳаларида

айтавериб, мен эшитавериб ёд бўлиб кетган воқеаларни албатта эслайди. Аммо зерикарсиз. Тўғри, унга талабалик насиб этмади. Кейинги йиллари ҳарбий хизмат, оила қуриш, турмуш юмушлари, дедими, ўқишга бошқа уринмади. Лекин айтиш мумкинки, у кўплаб ҳамқишлоқларини энг тоза, энг покиза ҳаяжонлари ила фақат илм олиш билангина муддаога етиши мумкинлигига ишонтира билди. Айрим бир умрга абитуриентга айланганлар, ўзини-ку қўятуринг, бошқаларнинг ҳам шиддатини сўндириб, айбни ялқовлигидан, саводсизлигидан изламай, ўқитувчиларнинг «нопок»лигидан ахтаришга тушиб кетади. Бундай «билағон»лардан кўра ўзи ҳақида тўғрисини, очиқ-ойдин айта билгани анча-мунча мардликдан кам эмасдай. Чунки ўз камчилигини тан ола билиш барчага баробар гап эмас-да.

Ўтган йили эди. Уч-тўрт ҳамқишлоқ укалар ҳужжат қўлтиқлаб, ўқишга келишган экан. Уларни олий ўқув юртига олиб бориш менинг «чеким»га тушиб қолди. Эрталаб соат саккиздан бошлаб уларнинг сўзи билан исталган олий ўқув юртига қараб юрдик. Абитуриентлар рўйхатда ҳам, навбатда ҳам тирбанд экан, бўлмади. Яна бир бошқасига бордик. Улар эълонлар осиғлиқ доскага кўз югуртирибоқ, хомушланиб қолади. Хуллас, шу тарзда бешолтита ўқув юрти эшигидан кириб чиққанимиздан сўнг, ҳужжатларини топширмаган бўлишса-да, сафаримизга якун ясадим.

— Бизга қандай факультет бўлишидан қатъий назар, кўпроқ талаба қабул қилиб, кам бола ҳужжат топширадиган бўлсин. Ўқишга кирсак, шаҳарга илинсак, бўлди, у ёғи бир гап бўлар, – дейишди болалар бир овоздан. Таажжубингиз ортади. Ўн бир йил мактабда ўқиб, биронта касб эгаси бўлишни ўйламаган абитуриентлар қаршисида. Улар ҳатто бу ҳолдан ҳижолат чекишмайди ҳам.

– Ҳа, нима қилибди, ҳозир кўпчилик шунақа-ку, – дейди бири хатоликнинг устини бекитгандай. Ниҳоят улар елиб-югуришиб излаган ўқув юртини топишди. Бир амаллаб ҳужжатларини топширганидан сўнг... биронта китобга номига бўлса-да, қараганини эслай олмайман. Шу тарзда тест синовини ҳам «қойилмақом» қилиб топшириб чиқишди.

– Осон саволлар экан. Тўқсон фоизини ечдимов, деганча «қаҳрамон»ларча қишлоққа қайтишди. Беш-ўн кундан кейин рўйхат эълон қилинди. Кутилгандек, саволларнинг ўн фоизи ҳам тўғри ечилмаган.

Беихтиёр ўйлаб қоласан, ўқишга отланган киши, ўз эртасини ўзидан изламай ўзларини бошқаларнинг «хатолари» соясига олишади.

Умрнинг ҳар лаҳзаси бебаҳо, уларнинг таъбирича, кетса бир ойлик вақт эмас, 10 йиллик ўтган дамларни назарда тутиб айтяпман бу мулоҳазаларни. Шу билан бирга, қувонарлиси, талаба бўлажак кўп сонли ёшларимиз айни дамларда чинакам абитуриентлар эканлиги умид ва ишончимиздир.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ

Китоб ўқиётган бола

Маънавий эҳтиёжларимиз

Ҳар биримиз ўзимизга шундай бир савол бериб кўрсак дейман гоҳо – муқоваси эскириб кетган ёки варақлари тўкилаёзган бирор китобни (ёхуд китобларни) ўзингиз жилдлаб, варақларини тиклаб қўйганмимиз?

...Ўқувчилик пайтларимизда кутубхоначи опа-акаларимиз олган китобларимизни албатта ипдан тўқилган бирор мато билан жилдлаб қўйишимизни айтишарди. Кутубхонада жилдланмаган адабиётлар деярли кўзга ташланмас, янги чиққан китоблар ҳам ўқувчилар қўлига тегиши билан авайлаб «ясантирилар» эди. Кутубхонада ва уйимизда ҳам бизнинг отабололаримиз шундай эътиборли бўлишганини, китобни азиз тутганлигини кўп таъкидлашарди.

Энди ўйласам, азалдан зиёли аждодимиз ўз фарзандларида илмга муҳаббат уйғотишни аввало китобнинг ўзига меҳр қўйишга ўргатишдан бошлаган экан. Ахир, гарчи ўқишга иштиёқи бўлмаса-да, китоб жилдлаб ўтирган боланинг унга бирор озор етказишини тасаввур қилиш қийин.

Шу йил 21 июнда маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш республика кенгашининг Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишида Бухоро вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли қатор мактаблар кутубхоналари ўрганилганда салбий бир ҳолатга дуч келинганлиги тилга олинди. **«Кутубхоналардан «мазмунан эскирган, ўз долзарблигини ва муҳимлигини йўқотганлиги сабабли...» дея акт тузилиб бир тоифа китоблар макулатурага топшириб юборилмоқда... Афсуски, бу жараён кўпчилик кутубхоналарда кечган», дейилади мазкур йиғилишнинг баёнида.**

Назаримда, бу ва шунга ўхшаш ҳолатларнинг кузатилиб туриши фарзандларимизнинг китобга бўлган муносабатига ҳам жиддий таъсир қилса, эҳтимол. Чунки бу жараёнларда баъзан ўқувчи ёшлар ҳам иштирок этадилар. Бундан тўрт-беш йил олдин эди, ўқувчилар билан китоб ҳақида суҳбатлашаётган эдик, бир ўқувчи айтиб қолди: «Бир китобнинг баъзи варақларида ёзилган фикрлар тарбиямизга зид экан. Китобни бутунлай ташлаб юбориш яхши эмаслигини, уни бизгача етиб келиши учун анча маблағ кетишини айтиб, **бизга фақат барча нусхалардаги шу варақларни йиртиб олдиришди. Барибир, китобни йиртиш жуда ғалати бўларкан».**

Бу «ғалати»ликда кимнингдир хатоси туфайли ёш ўсмирнинг ҳали шаклланиб улгурмаган дунёқарашига, беғубор оламига қайсидир маънода бироз дарз етганлиги акс этиб турарди.

Чиндан ҳам халқимизнинг маънавий хазиналари ишониб топширилган масъул кишилар шу бебаҳо мулкларга муносиб маънавиятли инсонлар бўлиши, айниқса, ўз вазифаси доирасига сингган тарихий масъулиятни ҳис қилиши жуда-жуда зарур экан.

Юртимиз аҳлининг маърифатли, китобсевар эканлиги унинг ўтмиш заковатидан ҳам аён. Бугун ҳам маънавият жавоҳирларини жону дилидан севувчи, унга қадр назари билан қарайдиган кишиларимиз кўплигига шубҳа йўқ. Уларнинг бу билим уммонига муҳаббатли муносабатига гувоҳ бўлганингизда ишончингиз янада ортади. Яқинда шундай қувончли ҳолатлардан бирини кузатганим ҳам бундай мулоҳаза юритишимга боисдир балки.

...Автобус ўриндиқларидан бирида мутолаага машғул ўтирган, одмигина кийинган 35—40 ёшлар чамаси аёлнинг қўлидаги «шоҳона» китобга кўзим тушди-ю, кўнглим ёришиб кетди. Китобнинг қизил духоба билан жилдланганлиги мени мутаассир этган эди. Аёл уни авайлаб варақлар, бироз жилмайганнамо нурли бир қиёфада тобора берилиб ўқирди. Қайси китоблигига қизиқдим чоғи, узоқроқ турган бўлсм-да, хиёл энгашдим. Китобнинг бир неча йиллар олдин нашр этилганлиги саҳифалар тепасидаги нақшлардан билиниб турар, у қандайдир катта бадиий насрий асар эди. Эҳтимол «Ўткан кунлар»дир деб кўнглимдан кечирдим, бироз туриб бу хаёлимга ишондим ҳам. Манзилга етгач, аёл китобни яна пакетга ўраганча сумкасига солиб кўзғалди...

Китобни севинг, деймиз. Лекин бу ҳақда фақат китобларда ёзилган сўзларгина эмас, ҳаёт битикларидан ўқилаётган ибратли сабоқлар камолот йўлига чоғланган фарзандларимиз шуурига қуюқроқ сингади.

Дилором МАТКАРИМОВА

Навоий вилоятидаги «Ширин» болалар ансамбли.
Абдуғани ЖУМАЕВ олган суратлар

МАНФААТЛАР ИМКОНИ

Кўппартиявийлик ва фуқаролар

Газетамизнинг ўтган сонида «партия ўз аъзоларига нима бера олиши мумкин, унинг якка шахсга манфаати нималарда кўринади?» деган мазмундаги кўпчиликни қизиқтираётган савол атрофида мулоҳаза юритувчи «Бизга саволингиз борми?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, таниқли сиёсатшунос Муқимжон Қирғизбоевнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган ушбу мақоласи ҳам шу мавзуга доир.

Кишиларнинг кўпчилик қисмида бирдай пайдо бўлган савол албатта ўзининг ижтимоий асосларига эга бўлади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, партияларнинг ўз аъзолари, ижтимоий табақалар манфаатлари ва иродасини ифодалаш даражасига кўтарила билиши уларнинг мамлакат ҳаётида ўзига муносиб ўрин олишини белгилайди, шу билан бирга, аъзолар ва хайрихоҳлар сафини кенгайтиради.

Кишилар ҳали ўз ҳаётида, амалий фаолиятида синаб кўрмаган ҳаёт тарзига, анъаналарга айланиб улгурмаган қадриятларни (айниқса, сиёсий қарашларни) жамиятда қарор топтириш ҳозирги етакчи ва илғор хорижий давлатларда ҳам осон кечмаган. Ўзбекистонда ҳам кўппартиявийлик тизими шаклланиб келаётган бўлса-да, ҳали бу маънодаги демократик механизмларнинг ишлаши, самара бериши халқаро меъёрлар ҳамда жамият аъзоларини қаноатлантирадиган даражага етганича йўқ. Шу боис ҳам сиёсий партияларнинг сиёсий тизимга фаол кира олмаётганлиги, партиялар билан ижтимоий табақаларнинг манфаат ва эҳтиёжлари ўртасида уйғунлик етишмаслиги, уларнинг тараққиётимизнинг мураккаб жараёнларида бевосита иштироки сезилмаётганлигини кишиларимиз эътироф этмоқда.

Шу нарса маълумки, инсонни интилишларга ундаб, ҳаракатга келтирувчи, кишиларнинг ўз мақсадлари юзасидан маълум бир жамоаларга уюшишга беихтиёр мажбур этувчи эҳтиёжлар бу – манфаатлар, уларни ифодалаш ва қондиришдир. Буни, таъбир жоиз бўлса, қайноқ ҳаётни ташкил этувчи энергия манбаи дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам сиёсий партияларнинг табиий шаклланиши сиёсий манфаатни ифода этишга зарурат сезиш туфайли пайдо бўлади. Чунки, ҳар қандай фуқаро жамият, давлат, кишилар гуруҳи ва бошқа инсоний бирликлар олдида ўзининг сиёсий манфаатини ёлғиз ўзи юзага чиқара олмайди. Кишилар бирон бир сиёсий ташкилотга уюшгандагина уларнинг овозини ҳамма эшитади, ҳар қандай даражадаги ҳокимият уларни тинглайди, муносабатга киришади. Кўпчиликнинг фикри жамиятда ана шундай ҳаётийлашиб боради. Бу билан партия «манфаатлар ташувчи» ёки ижтимоий табақанинг манфаатларини ифодалаши учун сафарбар этилган вакиллик воситасини бажаради. Бундан халқ билан давлат тизимлари алоқалари таъминланади. Халқнинг сиёсий маданияти ошади.

Демак, сиёсий партиялар ёки барча жамоат ташкилотларининг жамият талабларига жавоб бера олмайдиган ҳолатда бўлиши фақат бу ташкилотлар учунгина зарар бўлмасдан, балки бутун бир миллат ва жамият ривожланишининг паст даражада кечиши учун ҳам сабаб бўлиб қолиши мумкин. Бинобарин, сиёсий партиялар демократик қадриятлар ривожланиши учун ўта масъул бўлган институтлар сирасига киради. Уларнинг замонавий сиёсий ташкилотларга айланишининг эса муҳим шарти бор. Бу – партиянинг ўз аъзолари манфаатларини юзага чиқариш қобилиятига, ўз партияси воситасида умумий мақсадларга эришиш туфайлигина шахсий манфаатлар ҳам қондирилиши мумкин эканлигига уларнинг ишонч ҳосил қилиши билан боғлиқ. Албатта, аъзоларнинг манфаатлари ўрганилиб, уларнинг энг асосийлари бир тизимга келтирилиб, сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари шу тизимни ўзида ифодалмас экан, унинг аъзоларида интилиш, партия атрофида интеграциялашув учун унчалик зарурат бўлавермайди.

Шу ўринда бир савол туғилади, ҳозир бирор партия аъзолари ёки унга хайрихоҳларнинг ҳаммаси ҳам унинг дастури билан танишми? Кишиларимизда партияларнинг якка шахслар билан муносабати ҳақида савол туғилаётган экан, фикримизча, уларни дастурлар билан кенгроқ таништириб бориш айни муддаодир. Дастурлар ҳам шундай бўлиши керакки, фуқаро уларни ўқиб «қайси партия унга нима беришини» англай олсин. Чунки аслида ҳаракат дастури ўзига хослиги партиянинг бошқа партиялардан ажралиб туришининг ҳам кафолатидир. Шу билан бирга, унда сиёсий мақсадлар аниқ ва содда усулларда ифодаланиши лозим. Айни пайтда мамлакатимиздаги сиёсий партияларда равшан фарқланиб турадиган сиёсий ранг-баранглик деярли сезилмайди. Бизга берилаётган саволлар мазмуни, бир жиҳати, кишиларимизда ана шу фарқларни билиш истаги ҳам борлигини билдиради.

Шу билан бирга, фуқаролар мавжуд партияларнинг ўз мақсадлари йўлида фаолият юритиши учун уларнинг иқтисодий базалари нималарга асосланганлиги ҳа-қида етарли тасаввурга эга эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Шундай бўлса-да, ўтган йиллар давомида партиялар ҳақидаги умумий тушунчалар халқимиз ҳаётига кириб борди, уларнинг моҳиятини англашга, бу ташкилотлар билан боғланишга интилишлар кучаймоқда. Бугун уларга нисбатан сиёсий партия сифатида қарашлар туғилиб саволлар пайдо бўлаётганлиги кишилар воситасида янги жамиятнинг йўқлови каби бизга янада тарихий масъулият юклайди. Буни эса сиёсий партияларга халқ томонидан узатилаётган ўзига хос маънавий имкониятдир дейишимиз мумкин. Ҳар бир партия, жумладан, ЎзМТДП ҳам фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларига боғлиқ равишда юзага келган бу эътиборни қадрлайди, буни сиёсий маданият ўсаётганлигининг бир ифодаси деб билади. Ва, албатта, ўз фаолиятида манфаатлар бирлигини ҳосил қилишга сиёсий куч сифатида интилаверади.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ

Маслаҳатли гап:
Ғийбатчи оралагунча
Сен уни қоралаб бўл.

ЎЗМТДП ТОМОНИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛИГИГА, БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРИМИЗНИ ТАНИШТИРАМИЗ

САИДЖОНОВ ЎЛМАС
236-Яккабоғ сайлов округидан

Саиджонов Ўлмас 1951 йилда Китоб тумани, Паландара хўжалиги, Туябоши қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Қарши Давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факултетини, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг гидромелиорация факултетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Қашқадарё кўчма механизациялашган колоннасида бошлаган. Сўнгра мазкур колоннага қарашли насос станцияси бошлиғи, бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Қарши кичик насос станция бошқармасида фаолият кўрсатди.

Элга саньаткор сифатида танилган Ўлмас Саиджонов 1994 йилда Ўзбекистон давлат филармониясига келади ва директор лавозимига тайинланади. 1996 йилда «Ўзбекнаво» бош директори ўринбосари бўлди.

Айни пайтда у Муҳиддин Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси раҳбаридир.

Ўлмас Саиджонов «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони ва «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган. 1999 йилда «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида унга ЮНЕСКОнинг махсус мукофоти ва дипломи берилди.

Оилали, олти нафар фарзанди бор.

БАРОТОВА ДИЛЁРА КАРИМОВНА
139-Термиз сайлов округидан

Баротова Дилёра Каримовна 1958 йилда Термиз шаҳрида шифокор оиласида туғилган. Термиз давлат педагогика институти филология факултетининг рус тили ва адабиёт бўлимини тамомлаган. Ихтисоси – ўқитувчи.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Термиз шаҳридаги 11-мактабда бошлаган. Сўнгра Ангор туманидаги 3-мактабда ўз фаолиятини давом эттирди. 1989-2000 йилларда у Термиз давлат педагогика институтида ўқитувчи, шаҳар халқ таълими бўлими кабинет мудири, 14-ўрта мактабда ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлади.

У айни пайтда Термиз шаҳридаги 7-мактаб директоридир.

Дилёра Баротованинг ташаббуси билан мактабда услубий ишлар, ёш ўқитувчилар билан ишлаш намунали йўлга қўйилган. Фан тўгараклари, ўқувчиларни олимпиадага тайёрлаш, турли мавзуларда суҳбатлар, ота-оналар ва маҳалла аҳли билан ҳамкорлик ишлари яхши йўлга қўйилган.

Оилали, тўрт нафар фарзанднинг онаси.

ЧОРИЕВ БОЗОР
221-Қамаши сайлов округидан

Чориев Бозор 1950 йил Ғузор туманидаги Чўмичли қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Самарқанд давлат университетининг физика факултетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ихтисоси-физик. Физика-математика фанлари доктори, профессор.

Меҳнат фаолиятини Қарши шаҳридаги 26-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Сўнгра Қарши Давлат педагогика институтида лаборант бўлиб, физика соҳасида илмий тадқиқот билан шуғулланади. 1975 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Физика институти аспирантурасига кириб, илмий изланишларини давом эттирди. Ядро физикаси бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар яратди. Унинг тадқиқотлари илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Физик олим мазкур ўқув даргоҳида ҳамда Тошкент давлат университети қошидаги Амалий физик тадқиқотлар институтида илмий тадқиқотлар билан шуғулланади. 1992 йилдан буён Қарши Давлат университетида фаолиятини давом эттирмоқда.

Айни пайтда у Қарши Академик лицейининг директоридир.

Бозор Чориев истеъдодли ёшларга пухта билим бериш, уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш йўлида бор билим ва тажрибасини аямайди. Ўқув даргоҳларида физика, математика фанлари тўгаракларини ташкил этиш учун амалий ёрдам бермоқда.

Оилали, беш нафар фарзанди бор.

БОЗОРОВ ХОЛБОБО АҲМАТОВИЧ
220-Деҳқонобод сайлов округидан

Бозоров Холбобо Аҳматович 1959 йилда Шаҳрисабз шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Тошкент Темирйўл транспорти муҳандислари институтини тамомлаган. Ихтисоси-муҳандис.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Қарши темирйўл бекатида бошлаган. Армия хизматини ўтаб келгач, шу ерда фаолиятини давом эттирди. Бекат навбатчиси, бошлиқ муовини вазифаларида ишлади. Сўнг Косон темирйўл бекати бошлиғи, Қарши темирйўл бўлими бошлиғи муовини, Китоб темирйўл бекати бошлиғи лавозимларида самарали иш олиб борди. 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олиб келгач, ўз фаолиятини давом эттирди.

Айни пайтда у Қашқадарё темирйўл дирекцияси бошлиғидир.

Холбобо Бозоров аҳоли гавжум яшайдиган жойлардан ўтган темир йўллар устига пиёдалар учун кўприк қуриш ташаббуси билан чиқиб, бу ишда жонбозлик кўрсатган. Китоб темирйўл бекатини янгидан бунёд этишда ҳам у алоҳида шижоат кўрсатиб, йўловчиларга зарур шароитлар яратишга муносиб ҳисса қўшди.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

Фалажлик

«Озодлик ҳақида дарс» туркумидан

Қурбон елкасига тиралганча чойнакка узанаркан, қўли ҳам оғирлашганини ҳис қилди. Кўз олдида яна аламли хотиралар жонланди.

... – Сенга орден оберамман, ўғлим. Шунинг учун ҳаммадан яхши ишлашинг керак, – раис Қурбоннинг елкасига қоқиб қўйди.

– Албатта, албатта, – Қурбон итоаткорона бош эгди. – Ишончингизни қозонаман, ота.

Орден олса... Қандай шараф... Балки депутатми, делегатми бўлар. Съездларга боради. Мавзолей олдида суратга тушади. Ким билсин, балки Брежневнинг ўзи билан учрашар. Шунда айтади, биз меҳнаткаш халқ вакиллари сиздан миннатдормиз, коммунизмга тезроқ етиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз, деб. Ҳаҳ, русча билмайди-да. Шу бугундан бошлаб катта ўғлига шогирд тушади. Шуҳрати ва ёшинчи синфда ўқийди. Аъзолари. Орден олса, ўғлига ҳам нафи тегиб қолар. Эҳтимол, отаси давлатимиз учун астойдил хизмат қиляпти деб яхшироқ институтга қабул қилишар. Ана унда ҳамманинг ҳаваси келади-да.

Қурбон ширин эҳтиқиш билан тракторини ўт олдирди. Вужудида янги куч пайдо бўлгандай бўлди. Ҳадемай пахта терими бошланади. Ҳар йили 150 тонна пахта терарди, энди эса бу рақам 250 га кўтарилади.

Ҳафта ўтмай унга янги терим машинаси беришди. Қурбон шу куни болаларига обдон насиҳат қилди. Мавсум тугагунча уйига келиши номаълум. Ҳаммасини аҳиллиҳушли бўлиб юришини тайинлади. Айниқса, катта ўғлига кўп гапирди. Мактабни олтин медал билан тугатмасанг бўлмайди, деди. Кетаётиб бир-иккита рус тили дарслигини ёнига олволишни ҳам унутмади.

Шижоат билан ишга киришди. Дастлабки ўн кунлик ғолиби бўлиб, туман газетасида каттагина сурати босилиб чиқди. Руҳида қандайдир чарчоқни ҳис қилди-ю, аммо енгди. Байроқни кейинги ўн кунликда, йўқ, мавсум давомида қўлдан бермаслик керак. Йўқса, раиснинг олдида ким деган одам бўлади. Қурбон кетма-кет уч марта байроқни сақлаб қолди. Зиммасидаги мажбуриятни ортиғи билан бажарди.

Уйига бормаганига ҳам бир ярим ойча бўлди. Болаларини соғинди. Хотини икки-уч кунда келиб иссиқ овқат, ювилган кийим-бош келтирарди. Баъзи-баъзида кичкина ўғли онасига қўшилиб келиб қолади. Бошқалари пахтада. Хотининг тез-тез келиши раисга хуш келмади. «Кийимни ўн кунда алмаштирсанг ҳам бўлаверади, у ҳам пахта терсин», деди. Раисга бир нима деб бўлармиди. Ие, ана, раиснинг машинаси.

– Тузукроқ кийиминг борми сани? – раис дабдурустдан савол бериб қолди.

– Бор-бор, – ўнғайсизланди Қурбон.

– Ҳозир уйингга бориб ювиниб, чиройли кийиниб ол. Соат еттида райкомда мажлис бўлади. Ўзим келиб олиб кетаман, – раис уни уйига ташлаб ўтди. Мажлисда унга телевизор совға қилишди. Қурбоннинг боши кўкка етди...

– Дадаси, бир кунга рухсат олмасангиз бўлмайди. Ўртанча ўғлингизнинг бурнидан валақлаб қон келяпти. Кеча дўхтирга ётқиздик. Сизни сўраб қўймаяпти, – деди бир куни уни излаб келган хотини.

Қурбоннинг томоғига нимадир тиқилгандай бўлди. Кетса... раис хафа бўлади. «Кеча райкомда мажлис бўлди, шахсан биринчи котиб сени мақтади, бошқаларни ҳам сендан ўрнак олишга чақирди», дейди ҳар сафар. У хотинига юзланди:

– Бурни қонади, деб югуриб келавердингми? Дўхтирда бўлса, икки-уч кунда тузалиб қолар.

Қурбон бошқа гапирмади. Машинасини ўт олдириб, ишга тушиб кетаверди. Аёли йиғлаб ортга қайтди. Эртаси пешин маҳали раис келди. Бошини қуйи солганча гап бошлади;

– Бандачилик, болам. Ўғлинг вафот этди, – раис унинг қўлини қисди, – маҳкам бўл.

Қурбон бир зум тош қотди. Ичидан отилиб келаётган йиғини тутиш учун қўлларини тишлади. Раиснинг маслаҳати билан қоронғу тушмасдан болани ерга қўйиб келишди. Қурбон ўзига келолмасди. Сочлари оқариб кетган хотини, мунғайиб қолган болаларига бир сўз деёлмай эзилди. Аммо, начора... Яна трактори рулига ўтирди. Аламини ишдан олди.

Раис орденни беш йиллик якунига ваъда қилган, унгача ҳали уч йил бор, Қурбон тиним билмасди. Аммо, бу ёқда... Ўртанча ўғлининг вафоти туфайлими хотини ҳам болаларини унча тергамасди. Ўзлари ҳам, кўз тегмасин, саккизта. Олтитаси ўғил. Бу орада катта ўғли мактабни тамомлади.

Ўғлини ўқишга юборишга қўли калталик қилаётганини раисга айтди. Раис унинг елкасига қоқиб қўйди.

– Ўғлингга ҳам янги трактор олиб бераман. Ота-бола механизаторлар сифатида донг таратасизлар.

Шу-шу ўғлини ҳам ёнига қўшди. Аммо Шуҳрат отасига ўхшамади.

– Ота, нима азоб сизга, – дерди у. – Ордени нимага керак? Ундан кўра ҳар куни уйда овқатланиб, биз билан суҳбатлашиб ўтирсангиз бўлмайдими? Ана, Сарвар билан Нодир, онамнинг гапига қулоқ солмайдиган бўлишган. Фақат мендан ҳайиқишади.

– Тушунмаган ишингга аралашма, – ўғлини жеркиб берарди. Қурбон ака. – Орден олсам, сизларга яхши бўлади. Отаси давлат учун хизмат қилган дейишади.

– Лекин, ота, ўн йилдан бери уйимизнинг икки хонаси эгаси йўқдай бостириқсиз ётибди. Ана, Фарида синглимнинг ўпкаси касал дейишади. Бир умр касалванд бўлиб ўтадими энди? **Онам далага қарасинми, уйгами? Сизга ишла деганларнинг боласи юпун юргани ё бир гал бизга ўхшаб овқатга тўймай қолгани борми? Шуларни сиз ҳам қачон ўйлайсиз?**

– Ҳали отангга гап қайтарадиган бўлдингми? – Қурбон жаҳл билан ўғлини тепкилай кетди.

Ўша кунинг эртаси Шуҳрат бутунлай шаҳарга кетиб қолди. Қайсидир заводга ишга жойлашибди. Бир ойлардан кейин ҳуқуқшунослик институтининг кечки бўлимига ўқишга кирганлиги ҳақида хат ёзиб юборди.

... Ниҳоят, беш йиллик тугади. Қурбон ҳаяжон билан ғолиблар рўйхати чиқишини кутарди. Мукофотланганлар газета юзини тўлдириб эълон қилинди. Қурбон зўр бериб ўз фамилиясини изларкан, бирдан ...юзларидан қон қочди. Орден уларнинг хўжалигидаги бошқа механизаторга берилганди. Қурбон уни яхши билади. Жон қойитиб ишлаган эмас. Йиғим-терим мавсумида маккажўхорими-сабзавотми, ишқилиб «уникига-буникига» деб ташигани ташиган. Ҳамма уни раиснинг исковучи дерди.

Қурбон раиснинг ҳузурига йўл олди.

Истиқлол қадри

– Кечир, ўғлим, – деди раис айбдорона оҳангда. Тепадагилар орден учун у-бу таъма қилишди. Сен барибир айтилганини топиб беролмасдинг. Шунинг учун орден зое кетмасин деб Турдига оберақолдим. Аммо, келаси беш йилликда, албатта сен ғолиб бўласан.

Қурбоннинг қулоғига бошқа гап кирмади... Ҳушига келганида у шифохонада ётарди. Ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди, қимирлолмади. Тепасида йиғламсираб ўтирган хотинига саволомуз қаради.

– Орденни унутинг, дадаси, ўзингизни ўйланг, – базўр гапирарди хотини.

Қурбон оёқдан қолганлигини сезиб титраб кетди. Ичидан вулқондай отилиб келаётган йиғини тутиб туролмади. Томи чала ёпилган уйи, юпун кийинган болалари, афтодаҳол рўзғори, ўзининг энди шол эканлиги ҳақида ўйлагани сайин елкалари қаттиқроқ силкинарди...

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА

ИҚБОЛИДА

ЮРТИМ НУФУЗИ

Таълим ва тикланиш

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ташкил топганига эндигина 10 йилдан ошди. Ушбу олий даргоҳнинг иш бошлаши, ўзини тиклаб олиши, жаҳон талаблари даражасида ўқув шароитларини яратиш масъулияти тарихий ўтиш даврига тўғри келди. Институт шу йиллар мобайнида нафақат юртимизда, балки дунё миқёсида ҳам маълум нуфузга эга бўлди. Унинг узоқ йиллардан буён фаолият юритиб келаётган олий ўқув даргоҳи каби таассурот уйғота олиши бизни қувонтиради.

Талаба бўлиш истагида турли ўқув юртларига ҳужжат топширган ёшларимиз синов имтиҳони арафасида турган шу қайноқ кунларда мазкур институт ректори, медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсаган фан арбоби Ҳамид ака Каримов билан суҳбатда бўлдик.

— Ҳурматли домла, кўпгина хорижий мамлакатларнинг тиббиёт олийгоҳлари ҳаёти билан яқиндан танишсиз. Бугун ҳар соҳада жаҳон миқёслари билан бўйлашишга, ўз ишимизга шу нуқтаи назардан баҳо беришга ўрганмоқдамиз. Шу маънода талабаларимиз билан энг ривожланган мамлакатлардаги тиббиёт олий даргоҳларида таълим олаётган ёшларнинг фанларни назарий ўзлаштириши ва амалиётда қўллай билишини муқояса қилиб нималар дейиш мумкин?

— Ҳар гал Америка, Англия, Испания ва бошқа давлатларга илмий сафарларимиз чоғида шу савол атрофида албатта мулоҳаза юритамиз, ҳар жиҳатдан қиёслаб ўзаро фикрлашиб турамиз. Талабаларимиз ҳам бу ҳақда қизиқиб сўрайдилар. Шуни айтишим мумкинки, фикримча, врачларни тайёрлаш системамиз, ўқитиш шароитлари биз танишган хорижий олий ўқув даргоҳлари имкониятларидан айтарли кам эмас. Айниқса, талабаларга назарий билим бериш, талабаларнинг бу билимларни ўзлаштириш даражаси у қадар фарқ қилмайди. Лекин ўқитишнинг амалиёт қисмида бироз фарқ кузатиладики, бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бу аввало, ўқиш муддати билан боғлиқдир. Институтимизда ушбу муддат мутахассислигига қараб 6-7 йил қилиб белгиланган. Хорижий мамлакатларда, масалан, Америкада аввал 4 йил давомида бошланғич тиббий билимлар ўргатилади, сўнгра талаба 4 йил тиббиёт коллежида амалий-назарий билим ва кўникмаларни ўзлаштиради. Умуман, 8 йил таълим олгач, у резидент ҳисобланади. Улар яна 3-5 йил махсус клиникаларда амалиёт даврини якунлайдилар. Сўнгра комиссия имтиҳонидан ўтган битирувчиларга врач мутахассислиги берилади. Демак, бу ўлардаги мутахассислар билан биз тайёрлаётган врачлар ўртасида малака нуқтаи назаридан фарқ бўлиши мумкин, деган хулосага ҳам олиб келади.

Тиббий таълим тизимида ўтказилаётган янги ислоҳотлар ҳам ана шу каби заруратлар туфайли амалга оширилмоқда. Масалан, 1999 йилдан бошлаб институтнинг даволаш факултетида ўқиш муддати 7 йил қилиб белгиланди. Талабалар институтни битиргач, амалиёт врачи бўлиб чиқади ва тиббиётнинг 1-бўғинларида — поликлиника, тез тиббий ёрдам, қишлоқ врачлик пунктларида ишлайди. Тиббиётнинг бирор йўналиши бўйича мутахассис бўлишни хоҳлаган ёшларимиз имтиҳон асосида магистратурага кириб яна 2-3 йил таълим оладилар. Ўқитиш билан боғлиқ ўтказилаётган тиббий таълим ислоҳотлари асосида кўпроқ амалиётни кучайтириш назарда тутилган.

— Аҳоли сони нуқтаи назаридан Ўзбекистонда 1997 йил ҳар 291 кишига битта, 1999 йилда ҳар 302 кишига биттадан шифокор-врач тўғри келган. Бу кўрсаткич халқимизнинг медицина хизматига умумий эҳтиёжи даражасига мутаносиб келадими?

— Бу юқори кўрсаткичдир, ривожланган Ғарб ва Шарқ мамлакатларига қиёслаганда бизда врачлар сони кўп. Шунинг учун ҳам врачлар етишмаслиги муаммоси пайдо бўлмаган. Фақат ишлаш шароитлари билан боғлиқ сабаблар туфайли юртимизнинг баъзи чекка жойларида малакали врачлар хизматидан фойдаланиш имкониятлари, у ерларда ишловчи врачлар сони эҳтиёж даражасида эмаслиги кузатилиб туради.

Демак, саволингиз нуқтаи назаридан масаланинг муҳим ми бўла олади. Унда баъзи оғир касалликлардан асоратсиз, беморни бутунлай соғайтириб юбориш усуллари борлигини кузатиш мумкин. Халқ табобатида шифобахш неъматларни кундалик истеъмолда қўллаш билан кўпроқ касалликларни олдини олишнинг профилактик усулларидан фойдаланишга катта эътибор берилган. Бу усуллар махсус шуғулланиш талаб қилмасдан оддий ҳаёт тарзига айланиб кетганлиги учун ҳам яхши натижалар бер-



Тош ДавТИнинг замонавий жиҳозланган янги залида.

дан ортиқ компютер техникаси, 30 га яқин видео мосламалар мавжуд. Улар компютер версияларидаги дарсликлардан фойдаланадилар. 15 дан ортиқ компютер ИНТЕРНЕТга уланган, талабалар медицинанинг энг сўнгги ютуқлари билан танишиб боради. Шу билан бирга институтнинг 2 та клиникасида даволаш жараёнида энг замонавий усулар қўлланилиши, талабаларимизнинг у ерда амалиёт ўташлари ҳам уларга ҳар томонлама чуқур ва мустаҳкам билим бериш имкониятларимиз кенг эканлигини кўрсатади.

— Собиқ иттифоқ даврида, айниқса, медицина олийгоҳларида ўзбек тилидаги адабиётлар ниҳоятда кам, деярли йўқ даражада эди.

— Ўринли фикрни таъкидладингиз. Бу катта бўшлиқни қисқа фурсат ичида тўлдириш учун тинимсиз саъй-ҳаракатлар қилишга, изланишга тўғри келди. Бугунга келиб асосий фанларнинг 80 фоизидан кўпроғи учун давлат тилида турли адабиётлар яратилган. Ўзбекча дарсликлар тайёрлаб улгурмаган фанлардан эса она тилимизда ўқув-методик қўлланмалар, маъруза матнлари чиқарилган. Она тилимизда дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш давом этмоқда.

— Институт жуда қисқа фурсат ичида, айтиш мумкинки, дунёга танилган олийгоҳлардан бирига айланган, қолишмайдиган даражада, мамлакатимизда шундай тиббиёт ўқув даргоҳи бор деб фахрланишга арзийди. Тараққий қадамлари ўтиш даврига тўғри келган бу олийгоҳ фаолиятида энг муҳими — маблағ билан боғлиқ бўлган иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш қандай кечган?

— Халқимиз саломатлигини тиклаш йўлида ижтимоий зарурат туфайли юзага келган институтимиз ташкил қилинганидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бизга катта ёрдам бериб келмоқда. Иқтисодий тикланишимизнинг яна бир жиҳати барча турдаги солиқлардан вақтинча озод қилинганлигимиздир, яқинда бу муддат яна 5 йилга узайтирилди. Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида пуллик шартномалар асосида ўқитишдан тушган даромадларнинг аҳамияти ҳам сезилмоқда. Аҳил жамоамизнинг ҳамфикрликда иш юритиши, маблағлардан оқилона фойдаланиш ва кўпайтириб бориш ютуқлар манбаи бўлмоқда.

— Институтни битирган ёш мутахассисларнинг кейинги иш шароитларини ўрганиб турасизларми? Уларнинг орасида ҳам бошқа иқтисодий соҳаларга ўтиб кетиш ҳоллари кузатиладими?

— Бу каби масалалар билан шуғулланиш учун бизда махсус маркетинг бўлими ташкил қилинган. Аввало биз тайёрлаётган мутахассислар қаерга бориб ишлашини жойларда врачларга бўлган эҳтиёжни ўрганган ҳолда белгилаймиз. Кейинчалик уларнинг иш билан таъминланишини мазкур бўлим кузатиб боради. Ўз соҳаси йўналишида иккинчи мутахассисликка ўқиётган врачларимиз бор. Шунингдек, кам сонда бўлса ҳам ўз касби билан биргаликда бошқа касб билан ҳам шуғулланаётган шифокорларни қайд қилиш мумкин. Турли соҳаларнинг ходимларига нисбатан олий маълумотли тиббиёт мутахассисларининг бошқа иқтисодий соҳалар билан шуғулланиши жуда кам учрайдиган, лекин бир-икки қайд қилинаётган ҳолдир.

— Ўйлайманки, бу олийгоҳга ҳужжат топширувчилар ичида шунчаки ўқишга киришни хоҳлаган тасодифий абитуриентлар деярли бўлмайди, ҳаммаси фақат врач бўлиш истагида қатъий тайёрланган ёшларимиздир.

— Бундай олийжаноб касб эгаси бўлишга интилаётган ёшлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу йил қабул комиссиясида қайд қилинган абитуриентлар сони ўтган йилги умумий кўрсаткичдан 10-15 фоиз ошди, бу ҳар бир талаба ўрнига 5-6 нафар талабгор абитуриент деганидир. Демак, билимлилар ичида энг билимли ёшларимиз саралаб олинади, синов ҳар йилгидан кўра янада жиддийроқ кечади. Абитуриентларнинг билимини объектив баҳолаш учун барча шарт-шароитларимиз мавжуд. Ўқишга кирган ёшларимизни эса севган касби бўйича етук мутахассис қилиб тайёрлашнинг кенг миқёсли имкониятларига эгамиз, буни ўзингиз ҳам кўриб турибсиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Дилором ҚЎЗИЖОН

— ТошДавТИ Ўзбекистонда биринчи бўлиб Шарқий Европа ва МДҲ давлатларида АҚШ томонидан ўтказилган касалхоналараро ҳамкорликда қатнашувчи 57 та ташкилот сафига кирди. Институтда юздан зиёд фан доктори, 230 дан ортиқ фан номзодлари, шунингдек, олийгоҳнинг 2 та клиникасида 60 дан зиёд малакали врачлар 2600 нафар талабага амалий-назарий сабоқ беради. Институт Америка халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи программаси бўйича Иллинойс штати университети билан яқин алоқа ўрнатган, Мисрнинг учта университети билан ҳамжиҳатлик Меморандуми имзоланган. Булар асосида профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва талабаларнинг валютасиз алмашиш тартибида илмий ўқиш-ўқитиш фаолияти йўлга қўйилган. Минтақавий таълим ҳамкорлиги дастури бўйича Лондон университетининг Империал коллежи билан биргаликда «Ноу хау» фонди грантини олишга муваффақ бўлинди. Ўқитишнинг комплекс шароитини таъминловчи институт клиникалари катта майдонда (84 га) жойлашган 14 корпусдан иборат. Талабалар учта факултет — даволаш, тиббий профилактика ва тиббий педагогика факултетларида энг замонавий усул ва йўналишларда врачлик касбини чуқур ўрганмоқдалар, шунингдек, 1999 йилда олий даражали медицина ҳамширалари тайёрлаш бўлими ҳам ташкил қилинган.

ги талабаларнинг ўқишга бўлган иштиёқини ҳам ошириши табиий.

— Талабалар учун 380

Ўзбек матбуоти:

УЧ АСРГА ЮЗЛАНИБ

МИЛЛИЙ НАШРЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Матбаачилик соҳасида рақобатга чидаш бера олмаган Наум Абрамович Кугелнинг штампгравер (ўймакорлик устахонаси) матбаасини, 1907 йилда Самарқандда фаолият юритган ака-ука Игнатовлар литографияси ҳамда Слиянов, Назаров матбаалари ва Ко ширкатини ҳам Георгий Демуров ўз литографиясига қўшиб олади, натижада 1908 йилдан бошлаб бу қадимий шаҳарда катта литография вужудга келади. Бу ерда дастлаб чой ёрлиқ – (этикетка)лари босмадан чиқарилган 1904 йил 1 майдан В. М. Морозов ташкилотчилигида рус тилида «Самарқанд» газетаси нашр этила бошлаган. Унга аввал Н. В. Бототин, кейинчалик П. В. Поздняков, Г. И. Демуровлар ноширлик қилишган.

Оммавий-иқтисодий, адабий йўналишда нашр этилган мазкур газетада В. Вяткин, В. Бартольд, Н. Лыкошин, Ю. Якубовский каби ўлкашунос-ларнинг мақолалари, «Маҳаллий хабарлар» ва «Ўлка бўйлаб» рубрикалари остида Туркистоннинг узоқ шаҳарларидаги оғир ҳаёт акс эттирилган мақолалар бериб борилган. 1905–1907 йилларда эса болшовойлар газетани жуда усталик билан ўз минбарига айлантириб олганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга унинг саҳифаларида мустабид тузумга, подшо ва унинг жойлардаги ҳокимларига қарши курашишга маҳаллий халқни ундовчи Россиянинг марказий шаҳарларида бўлиб ўтган ғалаёнлар, иш ташлашлар, солдатлар орасидаги тўқнашувлар ҳақидаги материаллар бериб борилган. 1906 йил 16 январда ушбу газета ва босмахона подшо цензураси томонидан ёпилади. Лекин кўп ўтмай Демуров босмахонани катта жарима ҳисобига қайта ишга туширишга муваффақ бўлади. Газета эса 1906 йил 5 февралдан бошлаб кундалик нашр – «Зеравшан» (остида катта ҳарфларда гезатанинг аввалги номи қайд этилади) номи билан чоп этила бошлайди. Хуллас, «Самарқанд» газетаси ва уни нашрдан чиқарувчи матбаа ҳам подшо цензураси томонидан бир неча бор судланади, ёпилади. Бироқ бокулик савдогар ҳар сафар катта жарималар тўлаб яна фаолиятини давом эттиради. Газета муҳарририяти ўз навбатида подшо цензурасини чалғитиш мақсадида 1906 йил мобайнида уни «Зеравшан», «Новый Самарканд» номларида чоп этиб боради. 1907 йил 6 январидан эса газета яна «Самарқанд» деб нашрдан чиқа бошлайди. Бундан хабар топган чор ҳукумати 57-сонидан сўнг муҳарририят ишини судга ошириб газетани бутунлай ёпиб ташлайди.

Манбаларда қайд этилишича, бу ўтган даврда матбаа ўз кучи имкониятларини китоб чоп этиш ишида ҳам синаб кўрган. Аммо бу йўналишда кўпроқ меҳнат талаб қилиниб, даромад камроқ олиниши бокулик савдогарга маъқул тушмаган. Бунинг устига газетага нисбатан назорат идоралари ҳамда судлар томонидан қўйилган талаб ҳамда катта жарималар ва шу каби қийинчиликлардан чарчаган Г. И. Демуров бундай ташвишлар, оворагарчиликлардан бироз узоқлашиб, катта пул билан боғлиқ бўлмаган молиявий муомалалардан ташқари ишларни Карапет Христафорович Слияновга топшириб ўзи Тифлисда яшай бошлаган. У ўша ердан туриб босмахонанинг йирик муаммоларини ҳал қилиш билан чекланган.

Типолитографияга Германия чой биржасининг Туркистондаги вакили Вогоу, озарбойжонлик Умид, Тагиев, Ризаев, Алиаскаровлар, москвалик Кузнецов ва ака-ука Поповлар чой ёрлиқларига буюртмалар берганликлари, Самарқанднинг ўзида бу каби чой биржаларининг сони ўндан ортиқ бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Электр қуввати асосида ишловчи матбаада чой этикеткалари трансмиссия ёрдамида ишловчи тошбосма ускуна ёрдамида ишланган. Шунингдек, шахснинг кимлигини билдирувчи кичик варақа (ташриф қоғози) чоп этилган. Типолитографияга зарур бўлган барча ускуналар, машина, бўёқ, қоғоз ва бошқа матбаа материалларини Демуров чой биржалари орқали хориждан олиб келтирган.

Ўлкада биринчи китоб саҳифаларини бириктириб сим ёрдамида тикувчи босма ускуна (точалка) ва зарҳалловчи (золотопресс) машиналари шу ерда қўлланилган. Уларни Демуров Полша ва Варшавадан олдирган.

Самарқандда 1913 йилдан бошлаб олдинига ҳафтада икки бор, сўнг кунлик нашрга айланган «Самарқанд» газетаси муҳаррир-ношири Маҳмудхўжа Беҳбудий эди, газета ўзбек, рус, тожик тилларида чоп этилган.

Демуров типолитографияси октябр инқилобидан сўнг хусусийлаштирилгунга қадар бу дастгоҳдан чой этикеткалари, ташриф қоғозлари, турли хил бланка, эълон, концтовар босма маҳсулотлардан ташқари «Қиссаи Иброҳим бин Адҳам», Мирзо Бедил асарлари, кўплаб нусхада ўқув қўлланмалари ҳам нашр этилган. Типолитографиянинг Ўрта Осиёда инқилобдан олдин ташкил топган босмахоналардан (90 та) фарқи шу эдики, уни фон Кауфман томонидан ташкил этилган вақтли матбуот «Туркистанские ведомости» (1870 й.) нашр этиладиган Ҳарбий штаб босмахонаси билан қиёслаганда ҳам Демуров типолитографиясининг ҳар жиҳатдан устунлигини кўрамиз. Жумладан, бу шахсий типолитографияда ишлаган матбаачилар касб даражасининг юқорилиги, матбаа ускуналарининг хилма-хиллиги ва уларнинг кўпчилиги хориждан келтирилганлиги, юқори сифатли босма маҳсулотларни икки хил рангда ишлаш йўлга қўйилганлигида кўринади. «Самарқанд» газетаси Туркистон 'халқларини ўз инсоний ҳуқуқларини билишга, адолат учун курашишга, ҳақиқий сўз, виждон, матбуот ва кенгаш эркинлигига эришишга чақирса, «Туркистанские ведомости» маҳаллий халқни кўр-кўрона итоатгўйликка, яъни подшо амри вожиб қабилида, ўлкада зулмкор тузумни ўрнатиш йўлида тинмай тарғибот олиб борган. Октябр тўнтариши содир бўлиши билан босмахона ишчилари Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб бу типолитографияни тинч йўл билан Самарқанд вилояти ишчи-деҳқон депутатлари Совети босмахонасига айлантирдилар.

Янги ташкил топган вилоят матбуоти «Ҳуррият», «Свобода» билан «Камбағаллар товуши» («Голос бедняка») газеталарини рус ва ўзбек тилида ҳамда шаҳар бошқармасига зарур ҳисобланган босма маҳсулотларини узлуксиз чоп этиб борди.

Гражданлар уруши жангларида қатнашган Новинков-Власов (бир пайтлар Демуров типолитографиясида ишлаган) 1918 йили оғир ярадорликдан сўнг ўз оиласи олдига Тошкентга қайтиб келади ва 5-сонли босмахонада ўз касбини давом эттиради. 1919 йили у Самарқанд вилояти матбаасини тиклашга жалб этилади. Вилоят матбаа тармоғини такомиллаштириш даври, яъни 1925–1928 йилларда Самарқанд вилояти ишчи-деҳқон депутатлар Совети босмахонасига директорлик қилади, матбаани янги ўзанга йўналтириш борасида самарали иш олиб боради. Ўша кезлари матбаа дастгоҳидан «Меҳнаткашлар товуши», «Голос трудящихся» «Зарафшон», «Голос Самарканда» кейинчалик «Ленин йўли», «Ленинский путь» газеталари нашр этилган эди.

1939 йили Самарқанд босмахонасига Чкалов номи берилади ва матбаа 1948 йилдан бошлаб собиқ нашриёт-матбаа ва китоб савдосининг бош бошқармаси ихтиёрига ўтиб ўз фаолиятини давом эттиради. 1962 йилдан эса босмахона М. В. Морозов номи билан аталди. Бу ерда «Ўқитувчи», «Фан», «Каракалпакия», «Ўзбекистон», Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси маориф министрлигининг катта ҳажмдаги буюртмалари тайёрлаб келинган.

Азиз БОБОХОНОВ

Сўзни суйган султонлар

ШОИРЛАРНИ УЛУҒЛАГАН ШОҲ

Шарқ азалдан маданият ўчоғи бўлиб келган. Шу боис ҳам юртимиздан кўплаб мутафаккирлар, алломалар, дунё таниган олиму фузалолар, шоирлар етишиб чиққан. Яна шуниси диққатга сазоворки, Мовароуннаҳрнинг аксарият ҳукмдорлари ҳам билимли ва маданиятли шахслар бўлган. Уларнинг айримлари ҳатто назм бобида яхшигина ижодий ютуққа эришган. Бунга мисол қилиб Ҳусайн Бойқарони кўрсатиш мумкин.

Маълумки, Ҳусайн Бойқаро Темурийлар сулоласи ичида мамлакатга энг узоқ муддат ҳукмронлик қилган (1469–1506) шоҳлардан биридир. Унинг кўп йиллар мобайнида тахтда ўтириб, давлатни идора қилишига нафақат сиёсий етуклиги, балки маданий-маърифий жараённи ҳам эътибордан четда қолдирмаганлиги сабаб бўлган десак, асло муболаға бўлмайди. Ҳусайн Бойқаро ҳамиша атрофига зиёли кишиларни тўплашга, уларга иззат-икром кўрсатишга ҳаракат қилган. Чунончи, у ҳокимият тепасига келган 1469 йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ўз ёнига шеърият мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийни ҳам олиб келган ва уни мухрдорлик лавозимига тайин этган. Шундан сўнг то ўлимига қадар «қилич билан забт этилмаган мамлакатни қалам билан олган» улуғ шоирни бир қадам ҳам ёнидан узоқлаштиришни истамаган.

Ҳусайн Бойқаро «Рисолаи Ҳусайний» асарини яратиб, унда ўз мамлакатида давлат юритиш сиёсати, маданий муҳит тўғрисида маълумотлар келтиради. Шуниси аҳамиятлики, Ҳусайн Бойқаро ўз мамлакатидаги шароит тўғрисида гапира туриб, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий каби шоирларнинг ижод гулшанларига ҳам назар ташлайди. Ҳусайн Бойқаро бу икки шоир менинг салтанатимда, давлатимда яшади деб мақтанмайди. Аксинча Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий даврида ўзининг яшаганлигини айтиб, бундан ғоятда фахрланишини айтади. Албатта, бу Ҳусайн Бойқаронинг камтарлиги ва қалам аҳлига бўлган оқибатидан нишонадир.

Ҳусайн Бойқаро ўзининг «Рисолаи Ҳусайний» асарида бу ҳақда шундай дейди: «Яна назм аҳли – шоирлардан ширинсўзлик осмонининг порлоқ юлдузи - Суҳайл бўлгудек кишилар бор ва латофатли назмдаги достони, баёни (зўрлигида) олам эли уларнинг (яъни Жомийнинг) орқасидан эргашувчи сифатида мавжуддирки, аввал улардек (Жомийдек) фалак гўзаллик берган эмас, ҳозир яна ҳеч ерда бирор киши улардек ўзларини кўрсатмаган. Ва Ҳиротда « сонаҳаллоҳу анил-офоти» (Оллоҳ уни офатлардан сақласин) ва унинг ноҳияларида билишимча, содиқ ва хабардор кишилар маълум қилишларича, эҳтимол мингга яқин кишининг иши маъно дурларини назм тизмасига тортиш, нозиклик ғавҳарларига вазн либоси зебу зийнатини беришдир (яъни шоирлик). Ҳеч даврда булардек (шоирлар) элнинг мингдан ўнини ва ҳеч бўлмаганда юздан бирини ташкил этган эмас».

Кўриниб турибдики, Ҳусайн Бойқаро яшаган вақтда Ҳирот адабий муҳитида юзлаб шоирлар бўлган. Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида 450 дан ортиқ шоирлар тўғрисида маълумот келтиради ва уларнинг айримлари Алишер Навоий бу асарини ёзган вақтда дунёдан ўтган эди. Ҳусайн Бойқаро айтиб ўтган мингга яқин шоир ичида ҳаваскор шоирлар ҳам тилга олинган бўлиши мумкин. Ҳусайн Бойқаро ўз асарида уларнинг пешвоси сифатида Абдураҳмон Жомийни кўрсатади.

Ҳусайн Бойқаро тил муаммосига ҳам алоҳида аҳамият берган. Алишер Навоий туркий ва форс тиллари қиёсига бағишланган «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида Ҳусайн Бойқаро давридаги тилга бўлган муносабат тўғрисида гапиради. Туркий тилнинг Ҳирот адабий муҳитидаги мавқеини ошириш зарурлигини қайд этган Алишер

Навоий, Ҳусайн Бойқарога таъсир ўтказиб, Ҳирот шоирларининг туркий тилда ижод қилишлари зарурлиги ҳақида фармон чиқаришга муваффақ бўлган. Мазкур фармоннинг амалий ифодаси шунда намоён бўладики, XV асрнинг охирги чорагидан бошлаб туркий тилда бадиий асар ёзиш кенг тус олади. Албатта бу ўринда Алишер Навоийнинг туркий тилда зўр асарлар яратган шахсий намунаси ҳам ўз аҳамиятига эга эди. Ҳусайн Бойқаро бу аҳволнинг туркий тил фойдасига ҳал бўлиши учун таъсир ўтказганлиги билан адабий муҳитда чуқур из қолдирди. Бундан ташқари, Ҳусайн Бойқаро ўз ижоди билан ҳам туркий тил учун курашди ва шоир сифатида ўзбек адабиётида муайян ўринга эга бўла олди. Насрий «Рисолаи Ҳусайний» асаридан ташқари у девон яратди. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида бу девон таҳлилига бутун бошли саккизинчи мажлисни бағишлаган. Баъзи илмий тадқиқотларда Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро подшоҳ бўлганлиги боис унга махсус мажлисини бағишлаган, яъни Ҳусайн Бойқаро шоир сифатида у қадар кучли эмас, деган фикр мавжуд. Аммо Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога йўқ жойдан баҳо берувчи бир шоир, шахс эмас. Аслини олганда ҳам, Ҳусайн Бойқаро шоир сифатида ўз ўрнига эга. Унинг девонига кирган ғазаллари тил жиҳатига кўра содда ва самимийлиги билан алоҳида ажралиб туришини зукко ўқувчилар ҳеч қачон рад этмаганлар.

Табиийки, мазмун ва шаклда такрорланмас нафисликка интилган Алишер Навоий ғазаллари олдида Ҳусайн Бойқаро шеърияти жўн бўлиб туюлиши мумкиндир, лекин бу шеъриятда ўзига хослик устувор. Буни ўз вақтида Е. Э. Бертелс ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Яна бир фактга диққатни қаратиш лозим. Темурийларнинг ашаддий душмани бўлмиш Муҳаммад Шайбонийхон ҳам девон яратиш йўлидан боради. Ҳозиргача бизга унинг битта девони маълум. Шайбонийхон девонидаги ғазаллар ифода услубига кўра Ҳусайн Бойқаро шеърларига ўхшаб кетади. Балки Шайбонийхон билиб-билмай подшоликда ҳам, шоирликда ҳам ўзи қарши бўлган Ҳусайн Бойқаро йўлини танлаган бўлса, ажаб эмас. Бу жиҳатларнинг ҳаммаси Ҳусайн Бойқаро давридаги Ҳирот адабий муҳити қанчалик кучли эканини исботлайди.

Ҳозиргача бизда Ҳусайн Бойқаро шеърияти Ҳирот адабий муҳитидаги умумий манзара асосида алоҳида ўрганилгани йўқ. Асарлари мактаб дарсликларига эндигина киритилди. Навбатдаги вазифа шоҳ ва шоир ҳамда шоирлар ҳомийси Ҳусайн Бойқаро ижодини атрофлича ўрганишдан ва ундан қолган адабий меросни ҳозирги авлод вакилларига тўла етказишдан иборат.

Наргис СУЛТОНХЎЖАЕВА,
Тошкент маданият техникумининг тил ва адабиёт ўқитувчиси.



Қадимий ва ҳамиша навқирон, фахру-ғуруримизга айланган шаҳарлардан бири шак-шубҳасиз Хивадир.

Бугун ана шу шаҳар ўз қиёфасини топмоқда. Бу борада қўли гул усталарнинг хизмати беқиёс эканлигини тан олмай илож йўқ.

Суратда: уста Қўчқор Маткаримов шогирди Жавлон Маткаримов билан иш устида.

Хотира ўчмасдир, хотира мангу!

ТАЪҚИБ ИЗИДАН...

Тарихнинг яна бир «энг кир, энг қора кунлари» – қатағон йилларида кўплаб йирик жамоат ва давлат арбоблари, зиёлилар билан бирга уларнинг яқин кишилари, рафиқалари, фарзандлари ҳам бегуноҳ зулм остига олинган, ҳатто бир неча йлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Республикамизнинг машҳур ҳарбий саркардаси ва миллий қўмондони Миркомил Миршароповнинг умр йўлдоши Асхабхоним, таниқли жамоат арбоби, Мўмин Усмоновнинг рафиқаси, журналист Собира Холдорова, Ўзбекистон Фанлар комитетининг биринчи раиси ва ҳозирги Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг собиқ директори Отажон Ҳошимовнинг умр йўлдоши Зайнаб Ҳошимоваларнинг оғир қисмати ҳам, афсуски, ана шундай кечган. Ушбу мақолада асли Наманган шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келган маърифатли қалб эгаси Зайнаб Ҳошимованинг аччиқ тақдири ҳақида ёзилган.

Зайнаб опанинг умр йўлдоши Отажон Ҳошимов Москвада ўқишни тугатгач, улар Ўзбекистоннинг шу йиллардаги пойтахти бўлган Самарқандга келиб яшай бошлайдилар. Отажон Ҳошимов Самарқандда очилган янги Педакадемияда сиёсий иқтисод ва фалсафадан дарс бериш билан бирга «Қизил қалам» номли адабий-бадиий ташкилотнинг раҳбарларидан бири бўлиб ҳам ишлайди. Бу даврда опа Педакадемияда ўқиш билан бирга ёшларга билим ва тарбия беришда ҳам фаол қатнашди. Шунингдек, Отажон Ҳошимовнинг қизғин илмий ва педагогик фаолиятида унга яқиндан ёрдамчи ва мададкор бўлди. Отажон Ҳошимов билан педакадемияда бирга ишлаган Фитрат, Булат Солиев, Шокир Сулаймон каби ўша даврнинг таниқли адабиётшунос, тарихчи олимларининг мароқли илмий, ижодий суҳбат ва мулоқотларини яқиндан тинглайди. Ўзбек, татар адабиётининг улкан намоёндалари Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Тўқай, Ҳоди Тоқтош асарларини севиб ўқийди, уларнинг асарларидаги миллий руҳ ва ғояларни ёшлар орасида тарғиб этади. 30-йилларнинг бошларида Отажон Ҳошимов Самарқандда Ленинград шарқшунослик институтининг аспирантурасига ўқишга кириб, у ерда бир муддат илмий котиб бўлиб ишлайди.

Отажон Ҳошимов 1933 йилда Тошкентга келиб, дастлаб Ўзбекистонда Фанлар Комитетини тузади, 1934 йил бошларида Тил ва адабиёт институтини ташкил қилади ва уни бошқаради. Зайнаб опа Ҳошимова эса бу даврда республика янги терминология қўмитаси қошида очилган стенографистлар курсида ўқитувчилик қилади ва бу борада Ўзбекистонда янги лотин алифбоси асосидаги стенографик кадрлар тайёрлашда моҳир педагог сифатида иш олиб борарди. Шу билан бирга у Отажон Ҳошимовнинг Фанлар комитетига раҳбарлик ва илмий фаблияти самарали бўлиши учун оилада қулай иш шароити яратишга интиларди.

1937 йил 2 августда Отажон Ҳошимов Ўзбекистонда революцияга қарши бўлган миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоси сифатида қамоққа олинади. Орадан бироз вақт ўтгач, Зайнаб опа Ҳошимова ҳам ўз эри Отажон Ҳошимовнинг миллатчилик ташкилоти аъзоси эканлигини била туриб фош қилмай яшириб келганликда ва шу йўл билан эрининг революцияга қарши кураш фаолиятига кўмаклашганликда айбланиб қамалади, бор мол-мулклари НКВД ходимлари томонидан олиб кетилади. Ундан эри Отажон Ҳошимовнинг революцияга қарши фаолияти ҳақида кўргазма беришни талаб қиладилар. Зайнаб опа бу тўҳматлар ҳақида дадил гапиради. Буни унинг 1937 йил 24 октябр куни тергов саволларига берган жавобларидан ҳам билиш мумкин:

«САВОЛ: нега сиз эрингиз Отажон Ҳошимовнинг революцияга қарши бўлган фаолияти ҳақида давлатга хабар бермадингиз?

ЖАВОБ: Отажон Ҳошимовнинг революцияга қарши фаолияти ҳақида ҳеч нарса билмайман. У қамалгач, у ҳақда газеталарда халқ душмани деб ёзишди, мен буни билмайман.

САВОЛ: Отажон Ҳошимов кимлар билан алоқада бўлар ва хонадонингизда қандай йиғинлар бўлиб турарди?

ЖАВОБ: Хонадонимизга Ойбек, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Аъзам Аюб, Мўмин Усмонов, Анқабой ва бошқалар келиб туришарди. Улар кўпинча ёлғиз ёки икки киши бўлиб келишарди, лекин йиғинлар бўлган эмас.

САВОЛ: Мазкур кишилар хонадонингизга келган вақтларида революцияга қарши бўлган қандай гаплар гапиришарди?

ЖАВОБ: Менинг олдимда бундай гаплар ҳеч қачон бўлмаган. Бошқа ҳеч қандай кўрсатма бера олмайман».

Шунга қарамасдан Зайнаб опа Ҳошимова ҳеч қандай асоссиз қамалиб, тоштурмада кўп қийноқ, тергов азоблари остида бир ярим йилча азоб чекди. Кейинчалик гуноҳсизлиги аниқланиб қамоқдан озод қилинади. Унинг мусодара қилинган ашёвий моллари қайтарилиши зарурий ҳужжатларда кўрсатилади.

Зайнаб опа қамоқдан озод қилинганидан кейин ҳам доимо таъқиб ва тазйиқлар остида яшади, уй-жойи, ишидан маҳрум бўлди, сарсон-саргардонликда ҳаёт кечирди. У ҳатто 1957 йили эри Отажон Ҳошимов оқланганидан кейин ҳам рўшнолик кўрмади. Отажон Ҳошимовнинг қариндошуруғларининкида яшаб, пенсияга чиқди, охири бир хоналик уйга эга бўлиб, умр йўлдошига садоқат билан ёлғиз умр кечирди. Отажон Ҳошимовнинг юбилейини ўтказиш учун елиб-югурди. Отажон Ҳошимовнинг 85 йиллиги муносабати билан унинг 1937 йил қамалишидан кейин олиб кетилган қўлёзмаларини қайтариш ва бунинг учун уни мутасадди идораларга суҳбат қилиш учун чақиришини илтимос қилиб, 1988 йил 16 февралда ариза билан мурожаат қилади.

Орадан бир ой ўтгач, (1988 йил 15 мартда) Зайнаб опани суҳбатга чақиришиб Отажон Ҳошимовнинг мазкур ҳужжатлари ҳозир бу ерда йўқлиги, улар ўша қамоқда йўқ қилиб ташланган бўлиши мумкинлигини айтишди. Унинг бу охирги орзуси ҳам ушалмайди. Отажон Ҳошимовнинг олиб кетилган асарларини унинг юбилей кунларида элга кўрсатиш насиб қилмай, афсус ва надомат билан ўша йилнинг охирларида у оламдан кўз юмади. Отажон Ҳошимовнинг жияни Республикада хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос, ҳозирда меҳнат фахрийси Жонрид Қосимов Зайнаб опа ҳақида шундай ҳикоя қилади: «... У ўз касби бўлган ўқитувчиликка ҳам жойлаша олмади. Фақат 1939 йил октябр ойидан сўнггина шаҳардан узоқ бўлган қишлоқ районидаги бир мактабда рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлайди. 10 ойдан сўнг у ердан ҳам уни ёшлар тарбиясига ғоявий зарарли бўлган собиқ «халқ душмани» Отажон Ҳошимовнинг хотини деган айб билан ишдан бўшатишади, сўнг опа Оржоникидзе районидаги 60/48-мактабга рус тили ўқитувчиси бўлиб жойлашди, уни сал ўтмай эски айб билан яна ишдан бўшатишади. У 1942 йилда ноилож ўз касбини ўзгартириб, Тошкент механика заводида токар ёрдамчиси бўлиб ишлашга мажбур бўлади. У ерда ҳам бир неча ой ишлагач, 1943 йил 26 февралда Тошкент темир йўли ҳарбий трибунал уни ишдан ўзбошимчалик билан кеч қолди, деган айбнома билан беш йилга қамоқ жазосига ҳукм қилади. У ерда бир йилча бўлиб, озодликка чиқади, лекин унинг орқасидан бўлган таъқиб ва тазйиқлар ҳамон тўхтамайди. Натижада, у Тошкентдан узоқ Қашқадарё вилоятига кетиб, у ерда Китоб районидаги пахта заводининг ошхонасида ишлайди. Анча вақт ўтгач, Тошкентга қайтади ва шаҳардан узоқ бўлган Қишлоқ хўжалик техникумининг ошхонасида, сўнг шаҳар тез ёрдам станцияси тиббий ҳамшираси бўлиб хизмат қилади». Зайнаб опа ушбу уқубатлар туфайли соғлигини йўқотади, кўп вақтларини касалхоналарда ўтказади, кўзлари заифлашиб, бир неча бор жарроҳлик операциялари бошидан кечиради.

«Опа бизларнинг оиламизга ниҳоятда яқин ва меҳрибон бўлиб, Отажон ака қамалганидан кейин қайнонаси Ҳамробиби ва бизларни ҳам сира эсдан чиқармади, ўзи қийин аҳволда бўлса ҳам доимо бизлардан хабар олиб, ойлаб бизларникида қайнонасига қараб турди. Опанинг фарзандлари бўлмагани учун бизларни ўз фарзандларидек кўрар, рафиқам ва болаларимни ўз келини ва набиралари каби бошига кўтариб эъзозлаб суяр эди. Биз ҳам Зайнаб опанинг амаким Отажон акага бўлган бу меҳр ва муҳаббати, садоқатини сўнгги оғир хасталик дамларида ҳам унутмай, унинг ёнида бўлиб, дунёдан ўтиши билан тобутларини елкамизда кўтариб қабрга қўйдик. Унинг ягона орзуси, васияти бўлган Отажон Ҳошимов меросини тўплашда қўлимдан келганча хизмат қилиб, хотира кечаларини ўтказдим», деб хотирлайди Отажон Ҳошимовнинг жияни.

Шундай покиза тийнатли бу инсонларнинг суратдаги масъум, нурли нигоҳларига тикилиб «халқ душмани» деган тавқи лаънат уларга қанчалар ёт эканлигини ҳис қилиб куюнасиз. Ва бугун уларнинг тоза руҳлари шу нигоҳлар қадар ёришаётганини ўйлайсиз...

Шерали ТУРДИЕВ

Жаҳон тафаккури

БИЗГА НИМА РАВШАН?

Ион Д. Сирбу
(Руминия)

Румин адиби. Бошидан кўп воқеаларни ўтказган. 1956 йилда биринчи «Концерт» деб аталган китоби чиққандан сўнг чақув билан қамалиб, 7 йил қамоқ ва сургунда ўтирган. Георгиц Деж ва Николас Чаушеску даврининг бутун таъқиб, тазйиқларини кўрган.

Сирбу замонасининг фожиаларини ёрқин ва ҳаққоний акс эттиради. Унинг ўлимидан сўнг 1993 йилда нашр этилган икки жилдлик кундаликлари бугун Руминияда энг жозибали, гўзал китоб каби ўқилмоқда.

Сирбунинг кундаликларидан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этаётирмиз. Улар фикр хазиналарингизни тўлдиради, деб умид қиламиз.

* * *

Биз қўрқув ичида яшаймиз, бинобарин, умуман яшамаймиз.

Будда.

Хотира қўрқинч, қалтираш, даҳшатли ваҳима ичида ўтган соатлар, кунлар, йилларни қумқоғоз билан ўчириб боради. Кийик қоплон чангалидан қутулиб кетганида, бир пасдан сўнг яна худди ҳеч нарса бўлмагандай майсазорда ўтлаб юраверади. Бошидан кечирган қўрқув, ваҳимани бир зумда унутади. Биз одамлар эса азал-азалдан шундай бино бўлганмизки, қўрқинч-ваҳима узоқ йиллар эсимиздан чиқмайди. Қўрқувнинг сабаби тамомила барбод бўлиб, изи тарзидан ўтиб кетгандан сўнг ҳам, барибир унинг асорати яшайверади.

Қўрқинч чангалида яшар эканман, мен шундан бошқа нарсани ҳис қилолмайман, севгандай, ҳеч нарсани еб-ичгандай ва ҳ. о. бўлмайман. Менинг эркинлигим бу қўрқувдан ҳолилигим ёки қўрқувни бутунлай унутишдан бошқа нарса эмас. Лекин хотирам қўрқувни қанчалар ўчирмасин, куйдириб йўқотмасин, у кечаси уйқуга толганда яна қайтиб келади, мен яна бошқатдан ва қайта-қайта кўзимга қора кўзойнак тақиб, камаримни тортиб олишган лаҳзаларни бошдан кечираман. Шундай эркинликдан айрилиш одамнинг терисини тириклай шилиб олиш ҳамда майдонга олиб чиқиб калласини танасидан жудо қилишдан кўра ҳам даҳшатлироқ деган хулосага келаман.

* * *

Ҳукмронликка ташналик, ўз ҳукмини ўтказишга ташналик, қандай қилиб бўлмасин ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга ташналик.

Бутун ҳаётим давомида партия котиблари, ҳатто собиқ партактивистлардан бўлган пенсионерлар ичида ҳам ўзи қилган хаталарга заррача бўлсин пушаймон бўлган, ўкинган, лоақал биронтасини ҳам кўрмадим. Уларда на халққа ва на ўзларига ўхшаган одамларга меҳр-шафқат бор. Бунинг ўрнига улар бошлаган ишларни давом эттираётганлардан норози бўлиб сўкинадилар.

Ҳаммаси гўё хотираларидан кўтарилиб кетгандай бўлиб кўринади. «Эҳ, — деб хўрсинишади улар, — бизнинг давримиз бўлса, бундай ишларга йўл қўярмидик?» Дежнинг болғауарлари ва совет маслаҳатчилари даври жуда кўп ўз ўрнидан қулаган ҳукмпармоларга гўшт-ёғ, нон-сут, мўлкўл, тартиб-интизомли замонлар бўлиб туюлади. Мабодо, худо кўрсатмасин, эртами-индин сизни озод қиламиз деб, танкларда бостириб келсалар, уларни худди мана шулар гул кўтариб кутиб олишлари ҳеч гап эмас...

* * *

Ажойиб болалигимнинг ҳеч ўчмас армони: отам менга ҳеч қачон велосипед олиб бермаган.

Ўсмирлик чоғларимнинг армони: казармадан, уруш ва урушлардан ҳеч ёққа қочиб қутулолмайман.

Улғайган пайтим армони: қамоққа тушмай иложим ўқ, ҳеч ким ундан қутулмайди, чунки мен бунёдга келган асрда қамалиш бу — болаларнинг албатта қизамиққа чалинишидай бир гап.

Қариб-қартайган кезлардаги армоним: дунё бемаъни, бунинг асло давоми йўқ. Ҳатто энг билимдон олим биродарларим ҳам туманлар орқасидаги келажак қандай бўлишини билмайдилар. Биз эртанги кун сари орқамиз билан юриб боряпмиз, орқадан узилган сассиз ўқ каби ўлим қувалаб келяпти, ҳаётимдан мақсад нима эди ва алал-оқибат дунё ва тарихнинг бу норасо пучмоғида мен ким эдим ўзи, деган саволларга жавоб тополмай кетаётирман.

* * *

Бир неча йил олдин менга кулоғимга шивирлаб бир латифани айтиб беришган эди: бир журналист дунёда бахтиёр ишчи бормикин деб қидириб юрибди. Германияда ишчилар намойишга чиқишган экан: улар жума куни ҳам дам олиш куни бўлсин деб талаб қилишибди. Америкада ҳам иш ташлаш: ишчилар ўн учинчи маош олишни исташади. Англияда жанжал устига жанжал: умуман ишламаймиз дейишади... Фақат Руминияда шод-хуррамлик, ҳамма бахтиёр, ўйнаб-кулган. Нега, дейсизми? Бугун «суяк беришяпти, суяк келди!» — деб қичқиришади байрам қилиб ўйин тушаётганлар.

Яқинда нимагадир навбатда туриб, яна шунга ўхшаш бир ҳангомани эшитдим.

Кечаси алламаҳал Виктория холанинг ойнасини бир бола тақиллатади. «Ҳа, нима дейсан, Георгицэ» — деб сўрабди Виктория хола.

— Ойим шўрвани қайнатиб бўлдингизми, сўраб кел деб юбордилар. — Шўрвани пишириб қўйдим, Георгицэ. — Унда ойимга суягини қарз бериб турарканси. Шўрва пиширар эканлар.

Бадҳазм, баттарин латифа. Лекин тоза боплаган. Мен йиғи нима, кулги нима бироз биламан. Лекин халқ ичида бундай овозалар тарқалганда қўрқаман. Назаримда, қашшоқликка ўрганиб қолиш қашшоқликнинг ўзидан ҳам ёмонроқ нарса. Бу каби латифалар биз қашшоқликдан ҳам ўзиб кетганимиз, қашшоқлиқ нималигини аниқ тасаввур қилмай қўйганимизни билдиради. Биз ҳатто бунинг устидан кулиш босқичидан ҳам ўтганмиз. Биз умидсизлик ва ночорликнинг охирги нуқтасига етганмиз: биз ўз устимиздан куламиз, ўзтимизни ўйлаймиз, йиғлашга ҳам ҳолимиз қолмаган. Бу ҳоллар бари бизни ўрта асрлар зулматларига улоқтириб юборади, бизга тузатиб бўлмас мутелик ва қарамлик қараб турганга ўхшайди. (Хотиним Лампи шоша-пиша кийиниб, кўчага отланяпти: тухум келган эмиш!)...

* * *

«Ҳеч вақоси йўқ киши учун, — дерди отам, — миллатчилик — маст бўлиб валдираш, ишчи киши учун миллатчилик — ортиқча даҳмазадан бошқа нарса эмас».

Онамнинг акаси Алоиз Глассерни эслайман. Урушдан бир оёғини йўқотиб келди. Трактирчи яҳудийнинг қўлида аравакашлик қиларди, хаёлга ботиб ёлғиз ўзи ичиб ўтирарди. Отам Лойза амакимни ёқтирарди. Айниқса мен Австрия-Венгрия тарқаб кетгандан сўнг ўз миллатимни йўқотганман дейишини хуш кўрарди. Энди мен на чех, на немис, на мажорман, ҳолбуки, яқинда буларнинг ҳаммаси эдим.

«Жанобларнинг, — деб сўзлаб ўтирарди Лойза амаким, — бир қиролдан иккинчи қиролга, бир партиядан бошқа партияга ўтишга ҳақлари бор; биз ҳам бир тилдан иккинчи тилга, бир миллатдан бошқа бир миллатга ўтаверсак бўлаверади. Менга қараса, руминлар жонимга тегиб кетишди. Мен руминликдан бўшайман, кетаман бош олиб... Ўзимга бошқа мамлакат, бошқа миллат топаман...»

Лойза амаким Австриянинг аллақайларида муҳтожликда ўлиб кетди. У худди онам каби Австрия-Венгриянинг беш-олти тилида бемалол гаплашарди.

Онамга: мени театрдан ҳайдаб юборишди, деб шикоят қилганимда, у чин деҳқон аёллар каби шундай деган эди: «Агар сени румин тилида ёзишга қўймасалар, руминликдан бўша ва бошқа тилга ўт. Одам ўзи туғилган тил билан ўлиши керак, деб ҳеч қаерда ёзилмаган».

* * *

Шўринг қурғур румин тилида «эркинлик» деган сўз тобора бегоналашиб, демагогия ва тарғибот мақсадларида ишлатиладиган неологизмга айланиб боряпти. Биз қандайдир озодликка (хўжайинлар, оғир меҳнат, қамоқлардан) интилган чоғларимиздагина озодлик ҳолатларини амалда бошдан кечирганмиз.

Агар равшанлик касб этиш учун айтадиган бўлсам, мен тушунган «озодлик» қуйидагиларни ўз ичига олади:

— мен туғилиб ўсган тарихий вақт ҳамда жуғрофий макондан воз кечиш;

— менинг фикрлашим ва урф-одатларимга хос бўлган турли санамлардан қутулиш (улар кейинги пайтларда кўпайиб боряпти);

— нима ўқиган, нимани ўрганган бўлсам, ҳаммасини атайин унутиш;

— ўзи бадбахт, қашшоқ, ибтидоий қул деҳқон сифатидаги қадим-қадимги асосимни теран кучайтириб бориш; ўзининг тақдири ва қул эканлигини ғазабланмай, бошқалардан норози бўлмай ўйлаш.

Мен тамом бўлаётирман. «Равшанликка интилиб» ёзилаётган бу нарсалар эссега ўхшамайди. Билмадим, улардан китоб чиқармикин. Улардан бирдан бир мақсад: фақат огоҳликни йўқотмай ўлимга тайёрланиш: сўзлар қатор-қатор терилиб бораркан, қўлимда қалам ушлаб турганим, дарахтлар, болалар ва осмонни бу қоронғу зиндонимдан туриб кўришга муяссар бўлганимдан қувонаман...

* * *

Икки ҳафтадан буён бетобман. Менга нима бўлди: шамолладимми, грипп бўғдими, вирус кучайдими, билолмайман. Ўтган йили шундай касал ётганимда ваҳшиёна босқинчиликлар, Чингизхон, Атилла ҳақида кўп китоблар ўқидим...

Ҳозир Гитлер, Муссолини ва шуларга ўхшашлар ҳақидаги китоблар билан вақт ўтказаман. Кеча Канарис тўғрисидаги китобни битирдим. Бу зўравонларнинг ҳаммасини ҳашагини очиб қарасанг, ўта жўн нарсалар бўлиб чиқади. Жуда сердағдаға, ҳашамдор, на маданият ва на маърифатдан хабардор жўнлик! Ҳатто Геббелс...

Ҳокимият ғояси ҳақида ёзилган жиддий асарларни топиб ўқиш зарур. Ҳукмдорлар ўз ҳокимиятига қарам бўлиб қолади. Шўрлик XX асрнинг охирига келиб шу нарса равшан бўлдики, ҳозирги замон техникаси воситасида амалга ошириладиган полиция назорати остидаги ҳар қандай мутлақ ҳокимият ўз-ўзидан албатта жиноятчилик ва қулчиликка олиб боради. Мустабидларнинг ўз қурбонларини ҳеч вақога олмаслиги, мени ҳайратга солади. Муссолини Францияга бостириб кириб, ўз генералларига: «Менга ўн мингдан кам бўлмаган ўлик керак», — деган экан...

«МТ» учун таржима

САЙЁР

ОҚ ЎРИК ҒАРҚ ПИШГАНДА

(таржимаи ҳол)

Таржимаи ҳол ёзиш осон эмас экан. Умрни бир қайта яшаш экан. Ҳа, яна бир қайта. Унинг шодон кунлари баҳор шаббодасидай енгил эсиб ўтиб кета берар экану ташвишли кунлари тошдай юракни ёзиб қоларкан...

Ҳай, майли, шундоқ бўлса ҳам...

Мен 1934 йил 5 июлда Иноят Файзуллоҳ ўғли оиласида дунёга келган эканман. У вақтда дадам Самарқандда – ЎзДУда ўқишни тугатиб, оғир оёқ Манзура Ғулом қизи – ойимни ва бувим–машҳур табиб ва отин Шаҳзода Абдураҳмон қизини олиб Тошкентга қайтмоқда эканлар.

Поезд Ховос бекатидан ўтиб, Чинозга қараб келаётганда вагонда туғилган эканман. Хайриятки, табиб бувим ота-онам ёнларида экан. Мени йўргаклаб олишиб, бироз ҳовурлари босилган отам ён-верларига қарасалар, ўратепалик, оппоқ соқоллик қарияга кўзлари тушибди.

– Отахон, – дебдилар у кишига қараб: – ёшингиз нечага борди, атай сўраяпман. Хафа бўлманг... тағин... Вагонда келаётган йўловчилар орасида энг кексаси сиз бўлсангиз? Эҳтимол қилдим...

– Фарзанд кўрдингиз йўлда... унга исм керакдир. Ўғилми, қизми? – деб сўрабди бироз тожикча талаффуз билан.

– Ўғил кўрдим, отахон. Фарзандларим гўдаклигидаёқ нобуд бўлаверди. Бир дуо қилинг. Исм қўйиб беринг, зора умри сизникидек узун бўлса...

– Исми Йўлчивой бўлсин десам, ўзимда ундоқ ўғил бор. Ҳай майли. Келинг, исми Сайёр бўлсин. Умри сайру саёҳат билан ўтсин. Қани, омин, Оллоҳу Акбар!

Дадамга ҳам, ойимга ҳам бу исм эриш туюлган бўлса ҳам, Шаҳзода бувимга ёқибди шекилли, бир жуфт Самарқанд нони, қанд-қурсни қийиққа ўраб қарияга чиқарибдилар.

Кечга томон Тошкентга келиб, шаҳардан ўн-ўн беш чақирим Қозоғистон йўлида жойлашган Ғиштқўприк қишлоғида – бобомнинг боғларига қўнибмиз. Шаҳзода бувим мени чўмилтириб, йўргаклаб, азамат қаддиқомати расо оқ ўрикнинг паст шоҳига илинган беланчака ётқизибдилар. Шунда бирозгина елпинган шаббодада ерга сочилган сочиқдай дув этиб ўрик доналаридан бири пешонамга тап этиб тушиб, данаги нарироққа отилиб кетибди. Ўшанда пешанамда нуҳатдек ғурра пайдо бўлган экан. Ўша-ўша бошимга тош тегавериб, ҳаётимда ғуррасиз юрган вақтимни билмайман. ...Шаҳзода бувим пешонамдаги ўша ғуррадан қолган ўрикнинг юқини ялаб олиб, данагини туз, гуруч, нон увоғи, исириқ уруғи ва яна нималарга қўшиб уч бурчакли тумор ясаб, бешигим бошига илиб қўйибдилар. Тумор қизил духобадан бўлгани учун ойлар ўтиб, қўлимни алланималарга чўзадиган бўлганимда ўша туморни кўп ўйнар эканман. Атрофи қора мунчоқ экан. Балки шу ялтироқ нарса кўзимни олгандир.

Шундай қилиб, Шаҳзода бувим менга қаттиқ боғланиб қолиб, тарбиямга бевосита аралаша бошлабдилар.

Уч-тўрт ёшга етганимда эса, бутунлай Шаҳзода бувим ихтиёрида қола бошладим. Гап шундаки, дадам боғбон бўлганлари учун ёзда бизнинг оила далага – Ғиштқўприкка кўчиб кетар, бувим билан мен шаҳар ҳовлимизда қоровулчилик қилиб қолар эдик.

Уч ёшларда бўлсам керак, тушларимга «алвасти», «опалар», «ажиналар» кириб безовта қила бошлади. Шунда Шаҳзода бувим Хадрага – трамвайлар тўпланадиган сарой орқасидаги тор кўчага олиб бориб оппоқ кийинган домлага ўқитиб, куф-суф қилдириб келар эдилар. Ўшандай кунлардан бирида дорихонада кассир бўлиб ишлаб турган шоир Мискин (унда мен шоирлигига эътибор қилмаганман албатта, чунки бола бўлганман) ҳузурига олиб кирдилар. Менга у кишининг кийиниши, айниқса жунли кўйлак устидан белига тақиб олган ингичка чарм камар ва унинг темирдан ясалган илон боши тасвирланган илгаги ёқди. Уни қўлим билан силаб кўргим келиб, ўрта бўйли, тўладан келган киши ёнига яқинлашдим. Аммо у киши мақсадимни фаҳмламай пешонамга туфлаб қўйдилар-да, бувимга:

– Ўзи қуримагунча бола артиб ташламасин, – дедилар. Бувим паранжининг бир ёнидан назар ташлаган бўлиб менга:

– Домланинг нафаслари ўткир. Сизни балоқазодан асрайди, омад юқтиради, болам, – деб қўйдилар.

Кейинроқ Шаҳзода бувим ҳикояларидан билдимки, Мискин домла Абдураҳмон шайх меҳмонхоналарида Шайхонтоҳур бува гузарида мумтоз адабиётдан бувимга, бувим ёлғиз зерикмаслиқлари учун ўша маҳалла ёш аёл-қизларига дарс берган эканлар. Уйимизга муолажа учун дори-дармон олиб келадиган Ғафур тараша деган ориқ-тириқ новча одам ҳам Мискин домла дорихоналаридан вакил экан.

«БУ НЕ ҚИЛГАНИНГИЗ БЎЛАДИ?»

Шуҳрат жаҳли чиқиб, муштумини тугди-ю, бироқ ўзини босди. Пудрат ерига бориб, кетмонни олди-да, кучини ерга сарфлади. Кейинги пайтларда хотини ҳокимиятга серқатнов бўлиб қолди. Ҳалигина унинг айтган гаплари Шуҳратнинг қулоғидан кетмасди.

— Ўша ерда ишлайдиган Солий ака бору, эшон бува, ўшанинг ёнига бордим. 3000 сўм қарз олувди, шуни қайтарди. Ёнимда ярим грамм героин бор эди, унга бердим. Душанба куни борсам яна пул беради.

– Урганчга бораман, Гавҳар опамнинг туғилган кўни дегандинг-ку.

— Туғилган куни ўтиб кетган экан.

Шуҳрат бир ўзининг ношудлигидан ёнди, бир омадсизликдан. «Эркак кишининг бахти келмаса ёмон ҳотинга учрайверар экан-да», — ўйлади у.

Биринчи турмуши ҳам хотини билан келиша олмаганидан бузилган эди. Ҳозир ўғли ёнида, лекин қизларини соғинади. Уларни бориб кўролмайди, ё уйига олиб келолмайди. Ўзи шундоғам ўғли Оғабек ўгай онанинг қўлида сиқилиб кетди. Ширин билан ҳадеб ади-бади қилавериш чўчийди, икки марта уйланди деган номи бор. У ҳам кетиб қолса маҳалла-кўй нима дейди?

Шуҳрат базўр оёқларини судраб уйга қайтди. Қуёшнинг тафти бошига ўтиб кетганидан ўзини лоҳас сезиб кароватга ташлади. Кўзи эндигина илинган экан, қизи кириб келди.

— Ойим сизни турсин деяптилар, номозшомда ўликлар ётаркан...

Шуҳрат йиғлагудек бўлди. Қизларини эслади. Кимларнинг қўлига қаратиб қўйдим шу норасидаларни, ўз қизлари юзига тик қарашмаган, ҳадди сиғиб бунақа гапиришмаганди. Кўчада ўйнаб юрган Оғабекни чақирди. Ўғлини бағрига босганча телевизор кўра бошлади. Ширин нимадандир безовта эди. Гоҳ кўчага чиқар, гоҳ ошхонага кирар, гоҳ эрининг ёнига бориб ўтирар, тирноқ тагидан кир қидириб, қизларига бақирарди.

... Ширин икки қизи билан кўп қаватли уйлардан бирида яшарди. Рўзғорни тебратишга қийналиб қолди. Худди шу кунларнинг бирида Шуҳрат билан танишди. Қараса, унинг ҳам ўзига ўхшаб турмуши бузилган. Қизларига ота, ўзига суянчиқ керак. Шуларни ўйлаб Шуҳратга ўзининг уйида бирга яшайверишни таклиф қилди. Шуҳрат ҳам рози бўлди. Ўғлини ҳам олиб келди. Кези келса, ёлланиб ишлаб рўзғор тебратиб ўз ўғли ва Ширининг иккита қизига ҳам оталик қилди. Шундай учма-уч кун кўриб, умр кечираётган кунларида Ширин бировдан пул қарз олиб, яна бировга фоиз ҳисобига берди. Баногоҳ пул олган одам унга қорасини кўрсатмай ғойиб бўлди. Эр-хотин маслаҳатлашиб, ноилож квартирани сотишди, Шуҳратнинг қишлоқдаги участкасига кўчиб келиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлади...

Шуҳрат ўғлини бағрига босиб, телевизор кўриб ётган бўлса-да, ҳали жаҳли босилмаганди, гоҳида укасидан, гоҳида опасидан пул олиб келаверади. Уларда рўзғор йўқ эканми?! Ҳечдан ҳеч унинг қўлига пул қистириб қўйишаверадими? Ширин яна кўчага отланаётувди, уни Шуҳрат тўхтатди.

— Қани, бир бошдан гапир-чи, қаерга бординг, қаердан келдинг? Кимларни кўрдинг?

— Сўрайдиган бўлиб қолдиларми? Айтар эканманми, ит ўрнидасан-ку, ахир. Бирон жойга бордим дейлик, қўлингдан нима келади? Рўзғорнинг ғорини мен тўлдираётган бўлсам.

— Асабимни қақшатма, сенга эр эканимни ҳозироқ кўрсатиб қўяман.

— Ўпкангни бос, йигит, биттасига бас келдим, сенга ҳам шундай. Керак бўлса гиёҳванд модда сотаяпти деб қаматтириб юбораман.

— Тўхта, Ширин, яхшилаб гаплашиб олайлик. Муддаонгни айт, мен билан яшаш истагинг борми ўзи? Сен кетсанг-кетмасанг барибир мен иснодга қоляпман. Айт, сени ўлдирайми, ўзимними?

— Ўзингни ўлдир, чунки мени ўлдириш қўлингдан келмайди... Сен...

... Онасининг қаттиқ чинқирган овозини эшитиб, кўчада ўйнаб юрган Соҳиба югуриб келди. Бироқ отаси уни уйга қўймади.

— Бор кўчада ўйнаб юринглар. Онанг билан гаплашадиган жиддий гапимиз бор.

Бу жиддий гап узоққа чўзилди. Бу жиддий гап Ширининг ширин жонига ўн икки марта оғриқли зарб бўлиб кирди. Аввал овозини ўчириб қўйиш учун Ширининг кўксига пичоқ урган Шуҳрат, қонни кўриб баттар кутурди. Аллақачон хотининг уни чиқмай қолган бўлишига қарамай, унга қайта-қайта пичоқ урарди. Ширин қочишга ҳам улгуролмади. Пичоқ охирги марта санчилганидан кейин полга гурс этиб йиқилди. Секин эрининг юзига қаради-да, «сизлаб» — «Шукки, бу нима қилганингиз бўлди? — дедию, ҳушидан кетди. Шундагина у хотининг анча бурунроқ ювошиб бўлганини, ўзини эса жаҳлдан тушмай жаллодлик қилиб қўйганини англади. Орқа ҳовлига чиқиб пичоқни ерга тиқди-да, кўчага чиқиб кетди. Милицияга боряптими-қочиб кетяптими, ўзиям англолмасди. Милиция ходимлари келиб, қўлини қайириб ушлаганларидан кейин, бир сесканди холос.

Қўшнилар зудлик билан «Тез ёрдам»ни чақиришди, келавермагач, ўзлари Оллошукур аканинг машинасида Ширинни касалхонага олиб боришди. Аммо вақт ўтган эди, ўлим билан олишаётган аёлнинг азоби ортди.

Ким билсин, балки тез ёрдам ўз вақтида етиб келганида Ширин ҳаётдан кўз юммасмиди?..

Фожиа сабабларини изламасдан, адоғи кўринмайди. Қўни-қўшнининг эътибори, эр-хотин муносабати, кейинги пайтларда йўқолиб бораётган ўзаро ҳурмат...

Боғотлик Шуҳрат Рўзибоев у билан беникоҳ бирга яшаб келаётган Ширин Абдуллаевага нисбатан оғир жиноят содир қилганлиги учун 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қотиллик дамларида болаларнинг жаҳл тиғи ҳукмига ҳавола этилган тақдирлари, уларнинг ҳаётида ота-она ўрни бир умрга оғриқли саволдай муаллақ қолди...

Қидирали ПЎЛАТОВ,
Вилоят прокурорининг ёрдамчиси, Адлия кичик маслаҳатчиси,
Муқаддас ИСМОИЛОВА,
журналист

Ибо малаги

КИМ НЕГА КЕЛАДИ?

Бемор деди:

– Шу битта тишимни суғиртиришга қанча тўлайман?

– Минг сўм.

– Қизиқ-да, ҳам тишимни, ҳам пулимни-а?

– Йўқ, тишингизни қўлингизга қайтариб берамиз.

* * *

Тиш учун хизмат бозорида:

– Кеб қолинг, хизматнинг озиғи шу ерда, тишингиз ўзингиз билан кетади!

* * *

Талаба ўртоғига деди:

– Икки ҳафтадан буён томда тунаяпман, хонамда қишлоғимиздан келган иккита абитуриент, иккита абитурист, ва ҳаммага қўшилиб келаверган битта «абитирриқ» бор.

– Бир йилча чидайсанда, ошна, – маъқуллади дўсти, – иккита абитуриент ўқишга кириб ўз ётоқхонасига жойлашади, «абитурист»ларинг шаҳарни томоша қилиб кўзи очилгач, янаги йил рюкзагини ташлаб абитуриент бўлиб келади, «абитирриқ» ни эса бу йилдан сўнг қорасини кўрмайсан.

ЧАҚМОҚ

Халқ табобати

АБДУЛАЗИЗ САИДНУРИДДИН БОБО ЎГИТЛАРИ

ИСИТМАНИ ТУШИРАДИ

1. Қора толни хўллаб баданни енгил уриб чиқиш.
2. Ялпиз, ажриқни томирининг қайнатмаси.
3. Алоэ — сабор.
4. Қатиқ, қатиқ зардоби.
5. Оқишоқ хўрда, гўжа.
6. Шафтоли ва унинг қайнатмаси.
7. Хом карам ва унинг суви.
8. Полиз маҳсулотлари.
9. Шолғом, унинг суви.
10. Помидор.
11. Қалампир.
12. Олча, тоғ олча.
13. Чилонжийда.
14. Откулоқ, баргузуб.
15. Узум жингалаги.
16. Кўклар.
17. Лимон, апелсин.
18. Маккажўхори попугининг қайнатмаси.
19. Чашмани чапиштирилган иссиқ сувига бошни тутиш.
20. Сабзавотлар.
21. Кўк чой.
22. Қора андиз.
23. Олма ва унинг сиқиб олинган суви.
24. Арпа, сули қайнатмаси.
25. Угра оши.
26. Исириқ суви.
27. Жисмоний иш, бадан тарбия.
28. Ҳаммом. Кўлоб сувда чўмилиш.
29. Баданни офтобга тоблаш.
30. Баданни, бошни уқалатиш.

ИЧНИ ЮМШАТАДИ

1. Ўрик, олма, олча, нок.
2. Арпа, сули қайнатмаси.
3. Бодринг, тарвуз.
4. Қалампир.
5. Ҳамма кўклар.
6. Ҳамма сабзавотлар.
7. Чилонжийда.
8. Лимон, апелсин.
9. Откулоқ, ялпиз.
10. Оқ пиёз.
11. Хантал.
12. Кўк чой.
13. Қора андиз, эрмон.
14. Алоэ, далачой.
15. Маккажўхори попугининг қайнатмаси.
16. Жағ-жағ, ялпиз.
17. Угра оши.
18. Карам.
19. Узум, олча, тоғ олча.
20. Қатиқ зардоби.
21. Офтобга тобланиш.

ИЧНИ ҚОТИРАДИ

1. Анор пўстининг қайнатмаси.
2. Оқишоқ хўрда.
3. Янги қатиқ.
4. Оддий жийда, ёнғоқ.
5. Новвот.
6. Қовурилган овқатлар.
7. Ловия.
8. Хандон писта, бодом.
9. Ширинликлар.
10. Пишлоқ.
11. Ухлаш, ётиш.
12. Нон талқони.
13. Қора чой, қаҳва.

Халқ табиби
Абдулазиз САИДНУРИДДИН ўғли

ОХИРГИ СЎЗ

Тил билан ўроқ ўрсанг, бел қайдан оғрисин

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Рустам ЖУМАЕВ, Ойдин ҲОЖИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ (масъул котиб), Холли НОРБОЙ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г –2652.
Сотувда эркин нархда.
Ҳажми икки босма табоқ.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Босишга топширилди 20.30

Манзилимиз: Тошкент-83, Навоий кўчаси – 30.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Шералн НИШОНОВ.